



ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ДАСТИЛ
ҚАДАМЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДАДИЛ
ҚАДАМЛАРИ


*Шу номли туркум плакатларда акс этган
Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий
ривожлантиришининг 2004 йилдаги асосий яқунларини
талаба-ёшлар орасида кенг ва атрофлича тарғибот этишига
мўлжалланган тавсиялар*

Тошкент — 2005

333
У-29

**Асосий устувор вазифа аввалтидек — бозор ис-
лоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни яна-
да эркинлаштиришдан иборат.**

И.А.Каримов



Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишида 2004 йил муҳим бурилиш даври бўлиб тавсифланмоқда. Дарҳақиқат, ўтган йил Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида олиб борилган оқилона иқтисодий сиёсатнинг, жумладан, иқтисодиётни эркинлаштириш ва иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш борасидаги амалий қадамларимизнинг қонуний ва сермаҳсул натижалари даври бўлиб қолади. Биз бугун ҳукуратимиз томонидан амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий дастурлар ва режалар Ўзбекистонни барқарор иқтисодий тараққиёт ва аҳоли фаровонлигини босқичма-босқич ошиб бориш фазасига олиб чиққанининг шоҳиди бўлиб турибмиз.

«Мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолига муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимиз ҳамда минтақа ва жаҳон бозорларида рўй бераётган ўзгаришлар, кучли талаб ва рақобат иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришни объектив шарт қилиб қўймоқда»¹, деб таъкидлаган эди Президентимиз. Шу сабабли ўтган йили эришган улкан натижаларни жорий йилда муносиб суръатларда давом эттириш учун ютуғларимизнинг асоси нимада эканлигини чуқур англаб етмоқ, ижтимоий-иқтисодий ўсишни янада жадаллаштирмоқ учун қандай салоҳият ва ресурсларга эгаллигимизга тўғри баҳо бермоғимиз даркор.

Ушбу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2004 йилда ижтимоий-

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005. - 76-б.

иқтисодий ривожланишнинг асосий натижаларини талаба-ёшлар орасида кенг ўрганиш ва уларга сингдириш мақсадида «Ўзбекистоннинг дадил қадамлари» номли туркум плакатларни тайёрлади ва нашр эттирди.

I. МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ (1-ПЛАКАТ)

Ўтган йилнинг энг муҳим ютуғи — ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг Президент И.А.Каримов томонидан асослаб берилган ўзбек моделини кенг татбиқ этиш орқали қуйидаги натижаларга эришилди.

1. Иқтисодиётнинг барқарор ўсиши таъминланди.

2. Макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди.

3. Иқтисодиёт ва унинг айрим соҳаларидаги мутаносиблик кучайди.

2004 йилда Ўзбекистон мустақиллик йилларида илк бор Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг 7,7%га ошишига эришди. 1996 йилдан бошлаб (1,7%дан) иқтисодий ўсиш фазасига кирган Ўзбекистон иқтисодиёти 2004 йилда ушбу соҳада энг юқори кўрсаткичга эришди. Бу кўрсаткич нафақат иқтисодий ислоҳотлар борасида эришилган муҳим ютуқ, балки у Ўзбекистонда олиб борилган ижтимоий-сиёсий соҳадаги, жамиятни демократлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш борасида амалга оширилаётган ишларимизнинг ҳам муҳим мантиқий натижасидир.

ЯИМнинг барқарор ўсиш палласига кириши, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик ҳамда иқтисодиётнинг тармоқ тизимидаги мутаносибликнинг кучайиши Ўзбекистонда мустаҳкам иқтисодий салоҳият шаклланишидан, аҳоли фаровонлигини янада ошириш учун юксак имкониятлар пайдо бўлганидан, ва ниҳоят, республикамизнинг иқтисодий хавфсиз-

лиги ва унинг халқаро майдондаги иқтисодий нуфузи янада кучайганидан далолат бермоқда.

Албатта, ЯИМнинг бундай юқори даражасини белгилаб берган бир қанча омиллар борки, уларни алоҳида қайд этмоқ ва атрофлича ўрганмоқ лозим.

Биринчидан, эришилган натижа кейинги йилларда олиб борилган оқилона, илмий ва амалий асосланган иқтисодий сиёсатнинг мантиқий интиқосидир. Бугунги кунда Ўзбекистонда барқарор иқтисодий тараққиёт учун муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий ва ташкилий-инвестициявий муҳит яратилди.

Иккинчидан, республикани ҳудудий ва тармоқ жиҳатидан бир текис ривожланишини таъминлашга қаратилган инвестиция сиёсати иқтисодиётнинг оқилона тармоқ тизимини шаклланишига олиб келди, бу эса ўз навбатида тармоқлараро маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни истеъмол қилиш орасида зарур мутаносибликни шакллантирди. Бугун Ўзбекистон ҳаётий зарур ва муҳим стратегик маҳсулотларнинг аксарият қисмини ўзи ишлаб чиқармоқда, ва ҳатто, экспорт қилмоқда.

Учинчидан, ишлаб чиқариши экспортга йўналтирилган тармоқлар бугунги кунда халқаро майдонларда муносиб рақобат олиб бориш даражасига кўтарилиб, экспортнинг ЯИМдаги улуши тобора ортиб бормоқда. Жумладан, 2004 йили экспорт 30,3%га ошди, ташқи савдода эришилган ижобий сальдо мисли кўрилмаган даражага, 1037,0 млн. АҚШ доллариға етди.

Ва ниҳоят, 2004 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тез суръатлар билан тараққий этганлиги, қишлоқ хўжалигида фермерлик ҳаракатининг кенг тарқалиши ва уларда ишлаб чиқариш суръатларининг ошганлиги, Ўзбекистоннинг муҳим экспорт товарлари учун қулай халқаро конъюнктуранинг шаклланганлиги ҳам ЯИМнинг суръатларига катта ижобий таъсирини кўрсатди.

Макроиқтисодий соҳада эришилган бу улкан натижа ўз навбатида солиқ-бюджет сиёсати, пул-кре-

дит сиёсати ва валюта бозорини эркинлаштириш ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятда эришилган муҳим ютуқларнинг мантиқий ҳосиласидир.

II. ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИДА ЭРИШИЛГАН АСОСИЙ НАТИЖАЛАР (2-ПЛАКАТ)

2004 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, иқтисодий ўсиш барча тармоқларда таъминланди. «Иқтисодиётнинг деярли барча соҳаларида жадаллашган макро-иқтисодий ўсиш кузатилди, жумладан, саноатда — 109,4%, қишлоқ хужалигида — 110,1%, пулли хизмат кўрсатиш соҳасида — 113,8%, қурилишда — 103,6% кўрсаткичлар қайд этилди»².

Саноат тармоқларида иқтисодий ўсиш 0,3%дан (электр энергетикаси) 34,5%гача (машинасозлик ва металга ишлов бериш) бўлган кўрсаткичлар билан баҳоланди. ЯИИМда саноатнинг улуши эса 2003 йилдаги 15,8%дан 2004 йилда 17,1%гача ошди. Бу кўрсаткич эса Ўзбекистонда иқтисодиётнинг индустриал асосларини янада мустаҳкамлашганидан далолат бермоқда.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш борасида эришилган ютуғлар алоҳида аҳамиятга эгадир. Ушбу кўрсаткичнинг 2004 йилда олдинги йилга нисбатан 13,4%га ошганлиги ҳукумат дастурларида аҳолини истеъмол товарлари билан тўлароқ таъминлашнинг муҳим аҳамият касб этганидан далолат беради. Шисобот йилида аҳоли фаровонлиги даражаси ошганлигининг муҳим кўрсаткичи бўлмиш истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг таркибидаги сифат ўзгаришларини қуйидаги рақамларда кўриш мумкин. Жумладан, «ҳисобот даврида енгил автомобиль (173%), совутигич

² Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2004 йилдаги асосий якунлари тўғрисида. Т., Халқ сўзи газетаси, 2005 йил 25 март, №59 (3604), - 1-б.

ва музлатгич (123,3%), кондиционер (184,3%), телевизор (3,6 марта), ун (145,6%), гилам (140,2%) ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ошди»³.

2004 йил давомида олиб борилган реструктуризация ва молиявий соғломлаштириш борасидаги амалий тадбирлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат унумдорлиги ва фаолият самарадорлигини сезиларли ошишига олиб келди. Барча турдаги транспорт хизматларининг 10,7%га ўсиши, алоқа хизматларининг 30%га ошиши, аҳолига пулли хизмат кўрсатишнинг 13,8%га, жумладан, маиший хизмат кўрсатишнинг 14,4%га ошиши 2004 йилда олиб борилган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ривожлантиришни давлат томонидан турли йўллар билан қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий тадбирларнинг яққол натижаларидир.

Иқтисодиёт тармоқларида эришилган ижобий натижаларнинг муҳим томони — аҳоли даромадларининг мунтазам ошиб бориши натижасида ички истеъмол ҳажмининг кўтарилиши, бу кўрсаткичнинг ўз навбатида ички ишлаб чиқариш кенгайишини тақозо этишидир. Аҳоли даромадларининг мунтазам ошиб бориши муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этиши билан биргаликда ички ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг мустақам асоси бўлмиш реал тўлов қобилиятли ички истеъмолни кенгайишига олиб келади. Парламент палаталарининг қўшма йиғилишида Президентимиз И.А.Каримов ушбу вазифага алоҳида ургу бериб, «бугун мамлакатимизда аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини босқичма-босқич ошириб боришни таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилди»⁴, деб таъкидлаган эди.

³ Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2004 йилдаги асосий якунлари тўғрисида. Т., Халқ сўзи газетаси, 2005 йил 25 март, №59 (3604), - 2-б.

⁴ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишидир. Т.: «Ўзбекистон», 2005.- 78-б.

III. ИҚТИСОДИЙ ДАСТУРЛАРНИНГ МУҲИМ МАКРОИҚТИСОДИЙ САМАРАЛАРИ (3-ПЛАКАТ).

Ўзбекистонда олиб борилган қатъий пул-кредит сиёсати ўтказиш натижасида ислохот йилларида биринчи марта инфляция даражаси энг паст — 3,7% бўлишига эришилди. Дарҳақиқат, бу муҳим макроиқтисодий кўрсаткич 1996 йилдаги (иқтисодий ўсиш илк бор қайд этилган) 64,3%дан ўтган йилдаги энг паст — 3,7%гача пасайди.

Инфляция — аҳоли даромадларининг реал даражасини пасайтирадиган, банк тизимига аҳоли жамғармаларини кириб келишига тўсқинлик қиладиган ҳамда инвестицияларни ишлаб чиқаришга йўналтирилишига салбий таъсир кўрсатадиган муҳим макроиқтисодий кўрсаткичдир. Шу сабабли инфляциянинг пасайиши ва унинг барқарорлашуви иқтисодиётда ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасида ўрнатилган муайян мувозанатдан далолат беради. Бу эса кейинги йилларда иқтисодиётда самарадорлик, меҳнат унумдорлиги, инвестицияларнинг ошиши ва, оқибатда, аҳоли фаровонлигини мустақамланишига хизмат қилади.

2004 йилда амалга оширилган самарали пул-кредит сиёсати ва инфляциянинг жуда паст даражаси ўз навбатида ташқи савдо айланмаси динамикасида муҳим миқдорий ва сифат ўзгаришларига олиб келди. Жумладан:

-экспорт ҳажми 30%га ошди;

-тайёр маҳсулотларнинг экспортдаги улуши 52%га ўсди;

-ташқи савдо айланмасида жами 1 миллиард АҚШ долларидан ортиқ миқдордаги ижобий сальдога эришилди.

Ушбу кўрсаткичлар замирида эса қуйидаги муҳим ижтимоий-иқтисодий салоҳият қарор топганлигини алоҳида таъкидламоқ зарур.

Биринчидан, экспортнинг кескин ошиши Ўзбекистонда ислоҳот йилларида яратилган ҳамда экспортга-мўлжалланган корхоналарда рақобатбардошликнинг кўтарилганлигидан, республика корхоналари экспорт фаолиятида замонавий маркетинг ва менежмент тамойиллари ва воситаларидан унумли фойдаланилаётганлигидан, хўжалик юритувчи субъектларимизнинг хорижий бозорларда мустақкам позицияларни қўлга киритаётганликларидан далолат беради.

Иккинчидан, илғор хорижий технологиялар асосида қайта ишланаётган маҳаллий хомашё ресурслари тайёр маҳсулот ҳолатига кириб, ўзида кўпроқ қўшимча қийматни мужассам этиши ва экспорт бозорларида муносиб баҳоланиши иқтисодий ислоҳотлардаги туб бурилишдан далолат беради. Бугун экспортда тайёр маҳсулотлар улушининг тобора ортиб бориши Ўзбекистонда саноатнинг рақобатбардош турлари шаклланганлигини кўрсатади. Экспортнинг аксарият қисмини ташкил этиб келган пахта толасининг ҳам, республикада текстиль саноатининг тараққий эта боргани сари, аксарият қисми қайта ишланиб, тайёр маҳсулот сифатида дунё бозорларига чиқмоқда.

Учинчидан, 2004 йилда ташқи савдо айланмасида эришилган улкан ижобий сальдо республикамиз олтин-валюта заҳираларини ошишига, ўзбек сўми қудратини янада мустақкамлашга, ижтимоий мақсадларга йўналтирилган дастурларимизни кенгроқ молиялаштиришга, республикамиз иқтисодий хавфсизлиги ва сарҳадларимиз даҳлсизлигини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Ва ниҳоят, Халқаро валюта фонди билан эришилган самарали келишувлар ва Меморандумнинг бажарилиши доирасида миллий валютамыз «сўм»нинг эркин конвертациясини таъминлаш натижасида валюта бозорида барқарорлик ўрнатилди. Алмашув курсининг реал прогнозлари экспортнинг кенгайиши-

га, миллий валюта қадрининг барқарорлашуви эса импорт ривожига нисбатан экспорт кенгайишининг тижорий мақбулликка олиб келди. Валюта бозоридаги иқтисодий беқарорлик даврида импортни маъқул топган (ҳатто рақобатбардош экспорт салоҳиятига эга бўлган) хўжалик юритувчи субъектлар бугун, «сўм»нинг алмашув курси барқарорлашуви натижасида экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш чора-тадбирларини кўрмоқдалар.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусий мулкдорлар синфини янада мустаҳкамлаш борасида ҳам 2004 йил алоҳида натижаларга бой бўлди. 1841та давлат корхонаси объектлари ва акциялари хусусийлаштирилиб, бундан тушган маблағлар 2003 йилга нисбатан 40%га ошди. Давлат мулкни хусусийлаштириш ўз навбатида бозорда рақобатни ошишига, эркин рақобатнинг ошиши эса маҳсулот сифатини кўтарилишига олиб келмоқда. Эркин иқтисодий муносабатлар тизимига кириб келаётган янги корхоналар эса ишлаб чиқариш самарадорлигини янги техника ва технология, илғор менежмент ва замонавий маркетинг орқали оширишга ҳаракат қилишлари эса иқтисодиётда тижорий фаолликни янада кўтаришга хизмат қилмоқда.

Давлат мулкни хусусийлаштириш ва уни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнида хорижий сармоядорлар иштироки кенгайиши юқоридаги фикримизнинг яққол исботидир. 2004 йилда 46,3 млн. АҚШ долларига тенг давлат объектлари ва акциялари хорижий инвесторларга сотилиб, бу борадаги прогнозлар 103,4%га етди, жумладан, инвестициявий маблағларнинг 60%дан кўпроғи эса жиҳозлар харидига йўналтирилди.

Иккиламчи фонд бозори айланмаси 52,8 млрд. сўмга тенг бўлиб, унинг ҳажми 2003 йилга нисбатан 60%га кўпайгани Ўзбекистонда фонд бозорининг барқарор ривожланиш фазасига ўтганидан далолат бермоқда.

IV. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА ФЕРМЕРЛИКНИНГ КЕНГАЙИШИ (4-ПЛАКАТ)

Кейинги йилларда биринчи марта пахта хомашёси етиштиришда энг катта натижага эришилди — 3,5 млн. тонналик пахта хирмони бунёд этилди. Бошоқли дон экинларидан деярли 5 млн. тонна ҳосил олинди.

2004 йил қишлоқ хўжалигида жуда катта муваффақиятлар йили сифатида тан олинмоғи даркор. Ушбу йилда деҳқонларимиз пахта ишлаб чиқаришни ўтган йилга нисбатан 26,1%га, сут ишлаб чиқаришни 6,2%га, тухум ишлаб чиқаришни 13,9%га ва гўшт ишлаб чиқаришни 6,4%га ўстиришга эришдилар. қишлоқ хўжалиги асосий тармоқларида меҳнат унумдорлиги ва ҳосилдорлик анча ортди. Жумладан, ғаллачиликда ҳосилдорлик гектарига 26,7 центнердан 33,1 центнерга, пахтачиликда эса — 19,3 центнердан 24,4 центнерга ошди. Ушбу натижалар кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида олиб борилган муҳим технологик, агротехник ва мелиоратив тадбирларнинг ижобий ҳосиласи сифатида намоён бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш тизими тубдан ўзгармоқда, фермер хўжаликларининг ривожланишида муҳим сифат кўрсаткичларига эришилмоқда. Жумладан, 2004 йилда фермер хўжаликларининг сони 18,7%га, уларга ажратилган ер майдонлари эса 36,6%га ошди, «умумий экин майдонида фермер хўжаликларининг улуши 37%дан 47,7%га етди, пахта хомашёси етиштириш 37,9%дан 51,7%га, дон етиштириш 35,8%дан 46,2%га кўпайди»⁵.

Фермерлик ҳаракатининг кенг кўламда ривожланиши қишлоқ хўжалигида ўта долзарб вазифанинг ҳал

⁵ Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2004 йилдаги асосий якунлари тўғрисида. Т., Халқ сўзи газетаси, 2005 йил 25 март, №59 (3604), - 2-б.

этилишида муҳим қадам ташланаётганлигидан далолат бермоқда. Жумладан, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги техникасидан унумли фойдаланиш, меҳнатни ташкил этишни янада такомиллаштириш, ва ниҳоят, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори конъюнктураси талабалари асосида товар ишлаб чиқаришни ташкил этишда фермерликка асосланган кичик бизнес ва тадбиркорлик яқин келажакда қишлоқ хўжалигининг ҳал қилувчи таркибий қисмига айланиши муқаррардир.

Аҳолиснинг 60%га яқини қишлоқ жойларида яшайдиган Ўзбекистон учун юқорида қайд этилган иқтисодий натижаларнинг муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамияти ҳам мавжуддир. қишлоқ аҳолисини, хусусан қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, деҳқоннинг ерга бўлган эгалик ҳуқуқининг тикланиши ва мустақамланиши, ўз меҳнати самарасига бевосита ўзи хўжайинлиги ҳиссининг шаклланиши қишлоқ жойларида олиб борилаётган давлат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларининг муҳим натижаларидир.

V. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ, МАЪМУРИЙ ИСЛОХОТЛАР НАТИЖАЛАРИ (5-ПЛАКАТ)

Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни сифат жиҳатидан муҳим юқори босқичга кўтарилганлигидан далолат бермоқда. Ушбу соҳанинг ривожланишига берилаётган эътибор, авваломбор, аҳолига янги иш ўринлари очиб бериш, хусусан, қишлоқ жойларида ёшларни иш билан таъминлаш, уларни ижтимоий зарурий фаолият билан банд қилиш, ишсизлик оқибатида кўлами кенгайиши мумкин бўлган айрим иллатларга қарши давлатнинг муросасиз курашидан далолат бермоқда.

2004 йилда кичик бизнес корхоналарининг сони 14%га ошди, хусусий тадбиркорлик ривожланиши натижасида 425 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди, кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 35,6%га етди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг мустаҳкам ташкилий-ҳуқуқий асоси яратилган бўлиб, иқтисодиётнинг ушбу соҳаси борган сари ҳал қилувчи тармоққа айланмоқда.

Ўтган йил иқтисодий ислоҳотларнинг самарали амалга оширилишининг муҳим шарти ҳисобланган изчил маъмурий ислоҳотлар билан ҳам характерланади. Жумладан, иқтисодиётни бошқаришда давлат аралашувининг қисқариши борасида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва ҳаётга татбиқ этилди. Маъмурий ислоҳотлар мобайнида давлат корхоналарида 40 мингдан ортиқ иш ўринлари қисқартирилди ва 42 млрд. сўмдан ортиқ бюджет маблағлари иқтисод қилинишига эришилди.

Маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш доирасида моддий ресурсларни тақсимлашнинг бозор механизмини кенг жорий этишга алоҳида аҳамият берилди. Бу ўз навбатида бозор тизимининг муҳим элементи ҳисобланган биржа савдолари қўламини ошишига, иқтисодиётда анча тақчил моддий ресурсларни ҳам бевосита бозор тамойиллари асосида айирбошлашга ўтишга асос яратди. «Тақсимлаш тизимидан воз кечиш аввал лимитланган 76 позициядаги маҳсулотни, жумладан, пахта толаси, мис, қора металллар прокати, дизель ёнилғиси, бензин, минерал ўғитлар, ўсимлик ёғи ва бошқаларни биржа савдосига чиқариш имконини берди»⁶. Бунинг натижасида 2004 йил давомида биржа савдоларида товар

⁶ Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2004 йилдаги асосий якунлари тўғрисида. Т., Халқ сўзи газетаси, 2005 йил 25 март, №59 (3604), - 2-б.

алмашуви 450 млрд. сўмдан ортиб, ўтган йил даражасидан 60%га кўпайди.

VI.ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИНГ РИВОЖЛАНИШИ (6-ПЛАКАТ)

Ўтган йили иқтисодиётга инвестицияларни жалб этиш, таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширилишида ҳам сезиларли натижаларга эришилди. Иқтисодиётда капитал қўйилмаларнинг ҳажми 5,2%га ошгани ҳолда, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кафолатланмаган кредитлар миқдори 2 марта кўпайди. Мамлакат реал иқтисодиётига йўналтирилган инвестицияларнинг ЯИМдаги салмоғи 20%га етди.

Инвестицияларни жалб этиш ва иқтисодиётнинг реал секторида таркибий ўзгаришларни амалга оширишда корхоналар ҳам фаол иштирок этишмоқда, жумладан, жами инвестицияларда уларнинг салмоғи 2004 йилда 43%дан ошиб кетди. Бу эса корхоналарда иқтисодий салоҳиятнинг ошиб бораётгани, инфляциянинг кескин пасайиши эвазига корхоналар молиявий ресурсларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қайта инвестиция қилишларига шароит яратилаётганидан далолат бермоқда.

Таркибий инвестиция сиёсатининг муҳим бўғини сифатида иқтисодиётда ижобий, жозибадор инвестиция муҳитини яратиш, маҳаллий хомашё ресурсларидан илғор хорижий техника ва технология асосида сифатли ва рақобатбардош экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун муҳим асос яратишга катта имконият берилди.

Иқтисодиётда инвестиция сиёсатининг ўтган 2004 йилдаги ижобий натижаларини самарали фаолият кўрсатаётган хорижий ва қўшма корхоналар кўрсат-

кичларида ҳам кўриш мумкин. Автомобилсозлик, ёқилғи-энергетика ресурсларини қайта ишлаш, текстиль, аҳоли истеъмол товарлари ишлаб чиқариш корхоналарида ўтган йили эришилган ижобий натижалар фикримизнинг ёрқин далилидир.

Мамлакат ички ва ташқи иқтисодий алоқаларида транспорт коммуникацияларини ривожлантиришнинг муҳим ҳаётий аҳамияти мавжуд. Ўзбекистонда бу соҳада 2004 йил жуда катта имкониятлар яратди. Жумладан,

- Амударё узра узунлиги 681 метрлик замонавий автомобиль-темир йўл кўприги барпо этилди;

- янги Тошгузар-Бойсун-қумқўрғон темир йўл магистрали қурилиши жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда. Бу йўлнинг 57 километрлик Тошкент-Дехқонобод участкасида 2003 йилда ишчи поездлар қатнови бошланди;

- Тошкент-Самарқанд ва Тошкент-Ангрен йўналиши бўйича электр поездлар қатнови йўлга қўйилди.

Транспорт коммуникацияларини янада ривожлантирилиши ва қўламининг кенгайиши Ўзбекистоннинг ҳудудий ва халқаро майдонда эркин савдо-иқтисодий алоқаларни олиб бориши учун жуда қулай имкониятлар яратди. Ўзбекистон халқаро бозорларга чиқиши учун камида иккита давлат чегаралари кесиб ўтиши шартлиги эътиборга олинса, яратилган қўшимча имкониятларнинг улкан сиёсий-иқтисодий аҳамияти янада яққол намоён бўлади.

VII. ИЖТИМОЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ўзбекистонда ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган изчил ижтимоий-иқтисодий тадбирлар ўтган 2004 йилда ҳам давлат сиёсатининг марказида бўлиб келди. 2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши эса ҳукуратимиз

томонидан кейинги йилларда амалга оширилиб келинган ижтимоий дастурларни мантиқий якунлашга, кам таъминланган ва ногирон, ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини янада қўллаб-қувватлаш борасида амалий ишларни давом эттиришга қаратилди.

Ушбу мақсадларда амалга оширилган ишлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМнинг 6,5%га, аҳолининг иш билан бандлигини 3,4%га, уларнинг реал пул даромадларини эса 16%га ошишига олиб келди. «Меҳр ва мурувват йили» доирасида «... маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбияни яхшилаш, оилаларда маданиятни юксалтириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича кенг қўламли ишлар бажарилди. Дастур ижросига 377,5 млрд. сўм йўналтирилди, бу маблағнинг 258,8 млрд. сўми бюджетдан, 118,7 млрд. сўми ҳомийлар томонидан ажратилди»⁷.

2004 йилда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг кенг қўламли ижроси давом эттирилди.

* * *

2004 йилда эришилган муҳим ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар Халқаро валюта фонди ва бошқа нуфузли халқаро иқтисодий ташкилотлар томонидан эътироф этилиб, Мустақил Ўзбекистоннинг халқаро майдонда иқтисодий салоҳиятининг ошиши ва унинг обрў-эътибори мустақамланишидан далолат бермоқда.

Ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг 2004 йилдаги тарихий натижалари эса 2005 йилда янада юксакроқ иқтисодий кўрсаткичларни, энг асосийси,

⁷ Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2004 йилдаги асосий якуnlари тўғрисида. Т., Халқ сўзи газетаси, 2005 йил 25 март, №59 (3604), - 2-б.

барқарор иқтисодий тараққиётнинг аҳоли фаровонлигига бевосита ижобий таъсирини таъминлашни ҳақли равишда кутиб қолишга имкон беради.

«Буларнинг барчаси Ўзбекистон Президенти Исом Каримов томонидан юритилаётган макроиқтисодий барқарорликни ҳамда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таминлайдиган иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва таркибий ислохотларни жадаллаштириш сиёсатининг тўғрилиги ва самарадорлигини яна бир бор тасдиқлайди»⁸.

**Тузувчи: А.Ш.Бекмуродов,
иқтисод фанлари доктори,
профессор**

⁸ Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2004 йилдаги асосий якунлари тўғрисида. Т., Халқ сўзи газетаси, 2005 йил 25 март, №59 (3604), - 2-б.

